

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqarilgan

2022-yil 17-mart, payshanba

№ 10 (9174)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ САЙЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб
ўтди. Уни Сенат Раиси
Танзила Норбоева олиб борди.

Кенгаш йиғилишида фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддаси ҳамда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонунларнинг тегишли моддаларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) нинг навбатдаги сайловини шу йилнинг май ойида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мазкур қарор асосида Сенат Раиси бошчилигида Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси тузилди. Фуқаролар йиғинлари раисларининг сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳамда сайлов бюллетени намунаси тасдиқланди.

Бундан ташқари, ҳудудларда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузиш, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига ҳар томонлама кўмаклашиш, сайловни ўтказишда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, сайлов ўтказиладиган жойларда тиббий хизмат кўрсатилишини самарали ташкил этиш, санитария-гигиена талаблари ва карантин қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш, шунингдек, сайлов жараёнини кенг ёритиш бўйича алоҳида вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссиясининг биринчи йиғилиши ҳам ўтказилди. Унда бўлажак сайловга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидландики, ушбу сайловда 9 минг 300дан зиёд фуқаролар йиғинлари раислари сайланиши кутилмоқда. Фуқароларнинг сайловда иштирок этишга оид конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўйга чиқариш учун зарур бўлган барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш, сайлов иштирокчилари қонун талабларига, шу жумладан, ошқоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи тамойилларига сўзсиз риоя этишларини таъминлаш бўлажак сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишдаги энг муҳим вазифалар ҳисобланади.

Сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда очиклик ва шаффофликни таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

НУРОБОДА ҚЎЗИЛАТИШ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Бугун Нурободнинг бепоён яйловларига
йўлингиз тушса, чўпон-чўлиқларни ажиб бир
тавиши ва қувонч оғушида кўрасиз. Сабаби,
чорвадорлар учун масъулиятли саналган
қўзилатиш мавсуми бошланган.

Мавсум беталафот ўтказилса, чорва моллари туёқ сони ошиши билан бирга экспортбон қорақўлча терилар тайёрлаш имкони ҳам ошади. Буни дилдан ҳис этган чўпонлар кунни тунга улаб меҳнат қилишмоқда. Мазкур муҳим жараёндан “Ўзагроинспекция”нинг Нуробод тумани бўлими соҳавий инспекторлари ҳам четда эмас. Инспекциянинг чорвачиликда наслчилик ишини назорат қилиш шўъбаси инспектори томонидан тўл мавсумини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий-техник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши юзасидан мунтазам назорат тадбирлари ўтказилди.

Тумандаги “Олга” МЧЖда жами 3112 бош қорақўл зотли она қўйлар мавжуд. Ушбу МЧЖга қарашли бош пудратчи Бекмурод Жуманов қарамоғида 320 бош қорақўл зотли она қўйлар бўлиб, ҳар 100 бошидан 100 қўзи олиш режалаштирилган.

Мамат ЎРИНОВ,
“Ўзагроинспекция”нинг Нуробод тумани
бўлими бошлиғи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АМУДАРЁДА ИССИҚХОНАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 30 январдаги
“Оилавий тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш дастурлари
доирасида боғдорчилик,
узумчилик ва иссиқхона
хўжалигини ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги
қарорида иссиқхоналар қуриш
ҳамда уларни тижорат
банклари, лизинг компаниялари
орқали аҳолига лизинг ва кредит
шартлари асосида бериш
назарда тутилган. Шунингдек,
хўжаликда иссиқхона
хўжалигини ривожлантиришда
оилавий тадбиркорликни йўлга
қўйиш, уларни давлат томонидан
қўллаб-қувватлаш йўл-йўриқлари
баён этилган.

Бу каби имкониятлар юртимизда иссиқхоналар экин майдонларининг ҳажми ортишига ва маҳсулот етиштиришнинг кўпайишига замин яратмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида ҳам бу борада кенг қўламдаги ишлар бажарилаётир. Сўнгги йилларда тумanning овул ва маҳаллалари аҳолиси ўз томорқа ерларида кичик кон-



струкцияли замонавий иссиқхоналар қуриб, сабзавотлар, эртаки экинлар қўчатларини етиштирмоқда.

Хусусан, Холимбек овулида томорқадан мўл ҳосил етиштириш ҳадисини олган, даромад манбаи яратиб, оила аъзолари бандлигини таъминлаётган тадбиркор омилкорлар кўпчиликини ташкил этади. Каримбой Ўрозбоев улардан бири.

Омилкор “Микрокредитбанк” туман филиалининг 100 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳисобига ўз томорқасида 10 сотихли замонавий иссиқхона барпо этган.

Иссиқхонада “Стат элегант” навли помидор етиштирилади. Айни пайтда иссиқхонада помидор ҳосил тўплашни бошлаган.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган сурат.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

СЎХ ТУМАНИНИНГ ЖОВПОЯ МАССИВИГА СУВ ЧИҚАРИЛИБ, НАЪМАТАК ЭКИЛАДИ

Маълумки, Фарғона вилоятининг Сўх туманига Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун ҳамхўрлик кўрсатилаётир. Ҳозирги кунда тумanning Жовпоя массивидаги қақроқ ерларга сув чиқариш бўйича катта ҳажмда ишлар олиб борилмоқда.

– Бу ҳудуд туман марказидан 25-30 километр узоқликда жойлашган бўлиб, 605 гектар экилмаган ерлар мавжуд, – дейди Сўх тумани ирригация бўлими бошлиғи Ўткиржон Болтабоев. – Бу ерларга сув чиқарилса боғлар, экинзорлар барпо қилиш мумкинлиги ҳисобга олиниб, 5 агрегатли насос станциясини қуриш учун тайёргарлик бошланган. Насос агрегатлари суви 223 метр баландликка кўтариб беради. Массивнинг тепаликда жойлашган 440 гектар ерига шифобахш ўсимлик ҳисобланган наъматак экилади, экинзорлар яратилади, пастидида 124

гектар ерга эса томчилатиб сўғоришга мосланган иссиқхона қуриш, қолган ерларни одамларга бўлиб бериш мўлжалланмоқда. Амалга оширилаётган ишлардан Сўхда яшовчи аҳоли жуда мамнун бўлаётир. Айни дамда 5 километр масофага диаметри 426 мм. бўлган қувурлар пайванд қилинаёпти. Ишчи ва пайвандчилар қувурларни ётқириш учун зарур бўлган барча ишларни тезкорлик билан олиб бораётир.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ЯХШИ БЎЛСА УРУҒЧИЛИК, БАРАКАЛИ БЎЛАР ДЕҲҚОНЧИЛИК

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Бизда ер юзидаги кўплаб халқлар ҳавас билан қарайдиган, Аллоҳ берган иккита неъмат борки, унинг қадрига етмасак, ундан унумли фойдаланмасак, кўз қорчиғидек асраб-авайламасак, келажак авлодларга етказмасак бизни ҳеч ким кечирмайди. Бу мамлакатимизнинг ер усти ва ер ости бойликлари дидир. Биз бугун, айни гўзал баҳор байрами арафасида барчамизни едириб-ичириб, кийдираётган, бозорбоп, ширин-шакар, сифатли маҳсулотлари билан юртимизга катта сармоялар келтираётган бебаҳо она заминимиз, унинг дала, боғларида уруғчиликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган истиқболли саъй-ҳаракатлар борасида сўз юритмоқчимиз.

Жорий йилнинг 28 январида Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унинг ижроси юзасидан вилоятимизда ҳам қатор ишлар амалга оширилиши белгиланган. “Ривож топса уруғчилик, ҳосил бўлар чилик-чилик”, деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган. Шу боис ҳам ота-боболаримиз йил бўйи

келгуси деҳқончилик йили учун энг аввало сара уруғ захирасини яратиш тадбирини кўришган. Агар янги нав яратилганидан хабар топса, минг бир машаққат билан бўлсада олиб келиб, уни ўз дала-боғида парвариш қилишга, кўни-қўшнларга тарқатишга уринган. Биз ана шундай аждодларнинг вори-си эканмиз, деҳқончиликнинг асоси бўлмиш бу масалага жиддий ёндашмоғимиз, эл-юрт равнақи, бозор ва да-



стурхонларимизнинг тўқинлиги йўлида қабул қилинаётган муҳим қарорлар ижросини таъминлаш борасида шижоат кўрсатиб, меҳнат қилмоғимиз лозим.

Муҳтарам Президентимизнинг ушбу қарори соҳа вакиллари зиммасига катта вазифаларни юклади. Жумладан, уруғчилик етиштиришга ихтисослашган ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб,

чигит, бошоқли дон, сабзавот, полиз, мойли, дуккакли ва озуқа экинларининг турлари ҳамда навлари бўйича жойлаштириш борасида тахлилий ҳисоб-китоблар қилинди ва мукамал, истиқболли режа-тадбирлар белгиланди. Уруғчилик етиштиришга ихтисослашган ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги субъектларининг ягона электрон базаси яратилади.

(Давоми 2-саҳифада)

ПОЙТАХТИМИЗДА “ПАРРАНДАЧИЛИК: ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР” ХАЛҚАРО ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Тошкентдаги Инновацион ривожланиш вазирлиги биносида Венгрия, Туркия, Италия, Россия, Нидерландия, АҚШ, Канада, Бельгия давлатлари хорижий компаниялари иштирокида “Паррандачилик: инновацион технологиялар” мавзусида халқаро форум ташкил этилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад Президентимизнинг 2021 йил 14 июнда “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарорида кўрсатилган, яъни ривожланган хорижий давлатлардаги тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда республика паррандачилик соҳасида наслчилик ва омухта ем йўналишида лойиҳаларни амалга ошириш топшириғи ижросини таъминлашдир.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚАЛБИ УЙҒОҚ, НАВҚИРОН ЁҒОНЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмида Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги, вилоят мудофаа ишлар бошқармаси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ва чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирокида Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажаришга отланган йигитларни мўддатли ҳарбий хизматга кузатиш тадбири бўлиб ўтди.

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, 2022 йилнинг 22 февраль куни “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мўддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирuvi ҳамда белгиланган хизмат мўддатини ўтаб бўлган мўддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли қучлар резервида бўшатиш тўғрисида” Президент қарори қабул қилинган эди.

Тадбирда ҳарбий хизматга бориш, халқимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, Ватан ҳимояси ҳар бир йигит киши учун энг шарафли вазифалардан бири эканлиги таъкидланди. Ватанини ҳимоя қилишдек муқаддас ва шарафли бурчини бажаришга шай турган ёғонларга буқилмас ирода, сўнмас матонат ва қуч-ғайрат тиланди.

Тадбир сўнгидида мамлакатимиз тинчлиги сарҳадларини ишончли ҳимоя қилишга ваъда берган ёғонларга вилоят ҳокимлигининг совғалари топширилди. Ота-оналар эса мўддатли ҳарбий хизматга йўл олаётган фарзандларини Ватан олдидаги бурчини мардонатор бажариб, юзи ёруғ бўлиб қайтиб келишини сўраб дуо қилди.

Абдували БЎРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Экинлар уруғликлари ички ва ташқи бозорга “Uzbek seeds” миллий бренди асосида сотилиши йўлга қўйилади

ЯХШИ БЎЛСА УРУҒЧИЛИК, БАРАКАЛИ БЎЛАР ДЕҲҚОНЧИЛИК

(Боши 1-саҳифада)

Бунда уруғчилик субъекти номи, экин тури, нави ва авлоди, уруғлик майдонига берилган минерал ўғитлар тури ва миқдори, ишлатилган кимёвий воситалар номи ва меъёри, апробация комиссиясининг наводорлик бўйича хулосаси, етиштирилган ҳосил тўғрисидаги маълумотлар акс эттириб борилади. Бундан ташқари вегетация даврида танлаб олинган уруғлик етиштирувчи субъектларда пахта ва бошоқли дон майдонларида камиди уч марта, бошқа уруғчилик майдонларида камиди икки марта, уруғликларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида доимий мониторинг юритиш, уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш ва фаолиятини мувофиқлаштириб бориш қатъий назоратга олинади. Илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда қишлоқ ҳўжалиги экинлари тури ва навидан келиб чиқиб, илмий асосда экиш, парваришлаш ва ҳосилни йиғиб олиш бўйича тавсия, қўлланма, меъёрий ҳужжатлар тайёрлаб, уруғчилик субъектларига етказиб берилади. Энг асосийси, ушбу уруғчилик субъектларида етиштирилган пахта, бошоқли дон, сабзавот, полиз, мойли, дуккакли ва озуқа экинлар уруғликлари халқаро стандартларга мос равишда тайёрлаб, қадоқланиб, ички ва ташқи бозорга “Uzbek seeds” миллий бренди асосида сотилиши йўлга қўйилади.

Ушбу қарорга мувофиқ, “Ўздонмаҳсулот” АҚ тизимидаги 20 та уруғлик дон тайёрлаш цехларининг солиқ ва жамғарма олдидида қардорлигини объектининг баҳоланган қиймати миқдорига камайтириш ҳисобига Марказга ўтказилгани катта имкониятлар эшигини очиб берадиган бўлди. “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги 11 та уруғлик чигит тайёрлаш цехларини Давлат бюджетни олдидида қардорлигини, улар бўйича ҳисобланган пенялар, шунингдек, объектни ўтказиш натижасида юзага келадиган солиқларни ҳам инобатга олган ҳолда объектининг баҳоланган қиймати миқдорига камайтириш ҳисобига Марказга бериш турғисидидаги таклифга розилик берилди. Биз айти кунларда бу уруғлик цехларини тўлиқ модернизация қилиш бўйича йўл хариталарини ишлаб чиқаямиз. Албатта, берилаётган бундай эътибор ва имтиёзлар провадидида тайёрланадиган уруғликларнинг сифати янада яхшиланади.



ҳўжалига вазирлигига икки йил кейинги ҳосил учун уруғликларга буюртма бериш жорий этилади. Илмий-тадқиқот институтлари ва марказ тизимидаги элита уруғчилик ҳўжаликлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги экинларининг бирламчи уруғчилиги шакллантирилади. Иختисослашган ҳудудлардаги уруғчилик субъектлари томонидан уруғликлар етиштирилади ва Марказ, пахта-тўқимачилик, галлачилик кластерлари ҳамда бошқа субъектлар томонидан қайта ишланиб, истёзмолчиларга ўз муддатида, қафолатланган




ҳолда етказиб берилади. Бу ўз-ўзидан иختисослашган ҳудудлардаги уруғчилик ҳўжаликлари ҳам жуда катта масъулият юклайди. Нав оригинаторлари томонидан ишлаб чиқилган ва илмий асосланган тавсиялар асосида агротехник тадбирлар белгиланган муддатларда ва меъёрларда сифатли ўтказилиши таъминланади.

Уруғликларни етиштириш, йиғиб-териби олиш ва қайта ишлаш корхоналарига топширишда давлат стандарти талабларига риоя этилади. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш ва сабзавот, полиз, дуккакли, озуқа ва мой-

ли экинларнинг маҳаллий селекция навлари уруғчилиги йўлга қўйилади. Қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири, агрокластерлар ва фермер ҳўжаликларига гўза ҳамда бошоқли дон экинларининг энг ҳосилдор навларини белгиланган тартибда импорт қилишга, шунингдек, мустақил жойлаштиришга руҳсат берилди. Ушбу қарор соҳани янада ривожлантиришга жуда катта замин яратиб, уруғчилик соҳасининг янада ривожланиб боришига хизмат қилади. Мен ушбу имкониятдан фойдаланиб, барча ватандошларимизни, ҳамкасбларимизни қадимий байрам – Наврўзи олам билан муборакбод осмонимиз доимо юртимиз тинч, эътимомиз сифо, бозор ва дастурхонларимиз тўқин бўлсин!

Ойбекжон ҲАЙДАРОВ,
Уруғчиликни ривожлантириш
Наманган вилояти
бошқармаси бошлиғи.



ЕРЛАРНИНГ ШЎРИНИ ЮВИШ УЧУН ҚАНДАЙ ПОЛОЛГИЧЛАР КЕРАК?

Республикаимизда сугориладиган ерларнинг 50 фоиздан кўпроги турли даражада шўрланган бўлиб, бундай ерлардан юқори ҳосил олишининг энг мақбул йўли бу ерлар шўрини ювиш ёрдамида ортиқча тузларни чиқариб ташлашдан иборат. Шўр ювиш учун поллар (челлар) КБН-0,35, КЗУ-0,3Д, КЗУ-0,3Е русумли ва маҳаллий корхоналарда тайёрланган поллогич ёрдамида бажарилади.



Тажрибалардан маълумки, сугориладиган ерларнинг шўрини ювиш сифати асосан, ерларни жорий ювишга кетадиган умумий сув миқдорига ($Q=3000 \dots 12000 m^3$), ер шўрининг ювишли сонига ($Z=1 \dots 6$), тайёрланган пол марзаси (чел) баландлигига (h , см), тупроқ физик, кимёвий ва механик хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Кучсиз шўрланган ерлар шўрини ювиш учун асосан КБН-0,35 русумли поллогич жиҳоз ишлаб чиқарилмоқда ва фермер ҳўжаликларига етказиб беришмоқда. У баландлиги $h = 30$ см. бўлган пол марзаси (чел) тайёрлайди. Уртача шўрланган ерлар шўрини ювиш учун эса КЗУ-0,3Д ва КЗУ-0,3Е русумли поллогич “Чирчиксельмаш”да тайёрланган ва баландлиги $h = 40-50$ см. бўлган пол марзаси тайёрлайди. Ҳозир бу поллогич “Ўргенчкорммаш” АЖда тайёрланмоқда ва

экспорт қилинмоқда. Уни олишга эса кўпчилик фермерларда имкон йўқ. Бу ҳолда улар КБН-0,35 русумли поллогич жиҳоз билан $h = 30$ см. баландлигида пол марзаси тайёрлаб, ерлар шўрини ювадилар. Тайёрланган пол марзасининг баландлиги агромегиорация талабларига жавоб беришга ярашади. Чунки ушбу турдаги поллогичлар давлат синовларидан ўтмаган ва сертификатларга эга эмас.

Шу кунларда кучли шўрланган ерлар республикаимизда 100-150 минг га.ни ташкил этади. Фермерлар $h=80$ см. баландлигида пол марзаси тайёрлайдиган поллогич жиҳозларни лойиҳалаш, маганлиги учун дастлаб ерлар шўрини ювиш учун КБН-0,35 ёки маҳаллий устакхоналарда

тайёрланган пол марзаси олгичлар ёрдамида 30 см. Ёки КЗУ-0,3Д ёки КЗУ-0,3Е русумли поллогичлар ёрдамида (агар ҳўжаликда мавжуд бўлса) баландлиги $h=40-50$ см.гача бўлган пол марзаси тайёрланади, кейин унинг баландлиги шўрланиш даражасига боғлиқ равишда қўл кучи билан ёки ҳўжаликларда мавжуд бўлган грейдер ва бульдозерлар ёрдамида $h = 80$ см.гача етказилади ва бу турдаги ерлар шўри ювилади. Айрим ҳолларда эса ҳўжалик устакхоналарида қўлбола усулда, эскирган ва иш ресурслари тугаган эҳтиёт қисмларидан фойдаланиб, поллогич жиҳоз ишлаб чиқадилар ва унинг ёрдамида баландлиги $h = 80$ см.гача бўлган пол марзаси тайёрланади. Бу ҳолда эса ерлар шўри сифатсиз ювилади, натижада бу ерлардан қафолатли ҳосил олиб бўлмайди ва маҳсулот сифати пасайиб кетади. Бу албатта, ўз навбатида маҳсулот таннаригига салбий таъсир этади. Бу ҳолат фермер ҳўжалигининг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этади.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кучли даражада шўрланган ва шўрок ерлар шўрини ювиш учун республикаимиз сонаот корхоналарида белгиланган стандартларга жавоб берадиган замонавий поллогич жиҳозларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ҳамда қишлоқ ва сув ҳўжалигига жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

М.Х.ҲАЖИЕВ,
техника фанлари номзоди,
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг “Машинасозлик” факультетининг “Ер усти транспорт тизимлари” кафедраси доценти.

ПОЙТАХТИМИЗДА “ПАРРАНДАЧИЛИК: ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР” ХАЛҚАРО ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

(Боши 1-саҳифада)

Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзпарандасаноат” уюшмаси, Менежерлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда паррандачилик селекцияси, ускуна ва жиҳозлари, ветеринария препаратлари, озуқа-ем бўйича кўргазма ҳамда илмий-амалий тақдимот ўтказилди.

Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари, профессор Шахло Турдиқулова мазкур анжуманининг аҳамияти ва долзарблигини таъкидлаб баробарида паррандачиликда илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун 14,3 миллиард сўм грант маблағи ажратилгани, айти пайт ушбу йўналишда 25 та лойиҳа амалга оширилаётганини қайд этди.

Форумда хориж компаниялари, паррандачилик ва қишлоқ ҳўжалигига иختисослашган бошқа корхоналар вакиллари ўртасида B2B форматда учрашувлар ўтказилиб, келишувлар, шартномалар имзоланди, шахсий томорқа ҳўжаликлари учун мос, ихчам парваришлаш технологиялари ва органик озуқа турлари тўғрисида маърузалар тингланди, мулоқотлар уюштирилди.

Хусусан, венгриялик Томас Топершер “Agrofeed” компаниясининг республикада томорқа паррандачилигини ривожлантиришдаги ўрни” мавзусидаги

чиқиши кўпчиликка маълум келди.

– Паррандачилик саноати ҳам рақамлаштиришни олиб кириш вақти келди, – дейди Топершер. – Рақамлаш орқали ҳар бир товукни алоҳида ўрганиш, яъни жониворнинг тана ҳарорати, қанча озуқа истеъмол қилгани, қолаверса, эҳтимолий касалликларни эрта босқичда аниқлаш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш ҳам долзарб, чунки ҳар бир парранда ҳақида маълумот тўплашдан ташқари, қафасни дезинфекция қилиш, тукум йиғиш автоматик режимда бажариш имкони пайдо бўлади.

Хорижий компания вакиллари ускуналар хилма-хиллигига эришиш ҳам жуда муҳимлигига алоҳида ургу бердилар.

– Кўпинча паррандачилик фермаларида 3-4 турдаги ускунадан фойдаланилади, – дейди яна бир хорижий компания вакили. – Ушбу жиҳозларнинг ҳар бири ўз компютери, дастури, мутахассисига муҳтож. Бинобарин, турли хил анжомларни бирлаштириш зарур.

Халқаро форум доирасида ёш тадбиркор ва ишбилармонлар қизикарли маърузалар юзасидан ҳамкасблари билан фикр ва тажриба алмашди. Шунингдек, паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича йўналишларни белгилаб олдилар.

Улуғбек МАҲМИРЗАЕВ,
ЎЗА мухбири.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ СОҲАСИДАГИ МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНИ

унинг вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикасини Давлат статистика қўмитаси аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланиб, рўйхатга олиш ҳужжатлари шакллари, рўйхатга олувчи ходимлар гувоҳномаси шаклини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш дастури ва рўйхатга олиш варағининг шакллари ишлаб чиқади. Рўйхатга олиш варақлари тайёрланишини ва ҳудудларга етказилишини таъминлайди ҳамда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилиши хусусида аҳолини хабардор қилишга доир ишларни мувофиқлаштиради. Бундан ташқари, рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитиш тартибини, шунингдек, шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тартибини белгилайди ва уларга ишлов беришни амалга оширади. Қолаверса, рўйхатга олиш варақлари ва бошқа аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларини сақлаш ва йўқ қилишни ҳам таъминлайди.

Б.МЕЙЛИЕВ,
Яккасарой тумани
статистика бўлими бошлиғи.

ПОЛНИ ИСИТИШ ТИЗИМИДАН ЁНГИН КЕЛИБ ЧИҚАН

Иссиқ Жорий йилнинг 22 феврал куни Тошкент тумани Кўксарой ҳудуди Кўхунор маҳалласи Бойчечак кўчасида жойлашган 125-уйда ёнгини содир бўлиб, ёнгини 127-уйга ҳам ўтиб кетди.

Натижада иккала уй ҳам бутунлай ёниб, зарарланди. Ушбу ёнгини электр иситиш (теплич пол)ни назоратсиз қолдириш оқибатида содир бўлди.

Ёнгини хавфсизлиги хизмати ходимлари мана шундай ёнгинларнинг олдини олиш, уларда инсонлар халок бўлишига йўл қўймайлик борасида қатор чора-тадбирларни кўрмоқда. Халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида, шунингдек, сонаот корхоналарида, билим юртлари, мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва аҳоли турар жойларида офатнинг олдини олиш учун режалар тегишривлар ўтказилмоқда, фуқаролар

билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилиб, радио, телевидение ва рўзномалар орқали тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Агарда бу ишга кенг жамоатчилик ҳам диққат-эътиборини қучайтурса, ёнгин ҳоллари янада камайган бўлар эди.

Азиз ватандошлар! Мол-мулким бир неча сонияда кўкка соврилиб, фожеа қурбони бўлмай десангиз, олов билан ўйнашманг! Ўт баласига учрамаслик учун ҳаммиша ҳушёр бўлиб, хавфсизлик қоидаларига амал қилинг!

Баҳодир ИРСИМБЕТОВ,
Тошкент тумани
ФВБ П ва НБ инспектори
сержант.

Эълон

“MODERN ARCH DESIGN” МЧҚ (СТПР 302 122 012) устаз жағмараси 7 544 791 262 сўм 36 тийиндан 7 338 032 262 сўм 36 тийинга камайтирилаётганлигини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Асалобод 2-мавзеси 3-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Дикқат тиллов!

Табийий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш ҳўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига асосан белгиланган тартибда ўтказилади. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан қабул қилинадиган аризалар танлов ўтказиш кунидан бир кун олдин соат 18:00 да яқунланади. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун топшириладиган ҳужжатлар ва бошқа қўшимча маълумотларни уюшманинг uzbekbaliqanoat.uz расмий веб-сайти ёки (78) 148-70-70 ишонч телефони орқали олишлари мумкин.

№	Туман номи	Табийий сув ҳавза номи	Майдон (гектар)
Қорақалпоғистон Республикаси (танлов санаси 19.04.2022 й)			
Манзил:			
Нукус ш., Қизилтеке кўчаси 14-б			
1	Амударё тумани	Шарсапа қоли	8,2
2	Беруний тумани	“Зарип қара” қўли	5,3
3	Бўзатов тумани	“Довутқўл Қорабек” қўли	2865
4	Элликқалъа тумани	301 контур қўли	2,8
5	Элликқалъа тумани	Жинган қўли	3,9
6	Элликқалъа тумани	441 контур қўли	2,1
7	Элликқалъа тумани	“Чалан” қўли	1,6
8	Элликқалъа тумани	“Даша” қўли	30,8
9	Элликқалъа тумани	“Уйсаланг-2” қўли	50,4
10	Шуманай тумани	2878-а-санлы контур	1,4
11	Тўртқўл тумани	Қўқсу Лотқо яё Контур қўли	10
12	Тўртқўл тумани	Айдинқўл қўли	10,1
13	Тўртқўл тумани	Араб қўли	6,6
14	Тўртқўл тумани	Шўрқўл қўли	16,9
15	Тахтақўлир тумани	“Айбек” қўли	62,5
16	Тахтақўлир тумани	“Шор қоли”	
17	Нукус тумани	Қўдар қўли	8,4

18	Нукус тумани	Гўноқли қўли	9,4
19	Мўйноқ тумани	“Жауынғир” қўли	29,4
20	Мўйноқ тумани	“Қарамуш қўл”	220,1
21	Мўйноқ тумани	“Қизил кема” қўли	1,78
22	Мўйноқ тумани	“Закир” қўли	330
23	Мўйноқ тумани	Хожақол қўли	126,3
24	Мўйноқ тумани	Арқа Мақлал қўли	35,4
25	Мўйноқ тумани	Узынкайыр қўли	5
26	Мўйноқ тумани	Шеге қўли	1058,3
27	Мўйноқ тумани	“Арқа Аббас-Қарамуш” қўли	50,6
28	Мўйноқ тумани	“Ақшоқ” қўли	56,4
29	Қораўзақ тумани	“Атақол” қўли	112
30	Қўнғирот тумани	“Марал-Машин кеткен-Баптакеткен, Сашка қўли”	299
30	Жами		5420
Бухоро вилояти (танлов санаси 21.04.2022 й)			
Манзил:			
Бухоро шаҳри, Б.Наҳшбанд кўчаси, 297/1-уй			
1	Бухоро тумани	“Қумсултон” қўли	2987
2	Олот тумани	“Денгизқўл 3-контур”	1000
2	Жами		3987

Қашқадарё вилояти (танлов санаси 20.04.2022 й)			
Манзил:			
Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси 81а-уй			
1	Қамаши тумани	“Чимқўрган” сув омбори	4455
2	Китоб тумани	“Сапарчасой” қўли	16
3	Китоб тумани	“Шўрбосой” сув омбори	15
4	Якшабод тумани	“Қизилсув” сув омбори	60,4
4	Жами		4546
Тошкент вилояти (танлов санаси 26.04.2022 й)			
Манзил:			
Нурафшон ш. Тошкент йўли кўчаси 24-уй, 4-қават			
1	Бекобод тумани	Табийий қўл	2,4
2	Бекобод тумани	Табийий қўл	3,7
3	Бекобод тумани	Табийий қўл	1,15
4	Бекобод тумани	Табийий қўл	35,4
4	Жами		43
Хоразм вилояти (танлов санаси 28.04.2022 й)			
Манзил:			
Урганч шаҳри, Тинчлик кўчаси 22А-уй			
1	Ҳазорасп тумани	“Шўрқўл - 2” қўли	6,8
2	Қўшқўлир тумани	“Чегара” қўли	40,7
2	Жами		47,5

Иқлим ўзгариши шароитида
деҳқонларимиз қандай йўл тутиши зарур

Айём қутлуғ бўлсин!

Мутахассис тавсиялари

ҒАЛЛА ПАРВАРИШИДАГИ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

айни ёмғирли кунларда нималарга эътибор қаратиш керак?

Республикамызда иқлимнинг кескин ўзгариши, қиш фаслининг қуруқ-совуқ келиши, феврал ойининг охириги ўн кунлиги ва март ойининг II, III-декадаларида ёғингарчиликнинг кўп бўлиши, март ойининг биринчи-иккинчи ўн кунлигида ҳавонинг кескин совиши ғалланинг ўсиб, ривожланишини бироз кечиктирмоқда. Бунинг натижасида белгиланган агротехник тадбирларни ўтказиш яъни, ғаллани озиклантириш, бегона ўт ҳамда касалликларга қарши курашиш чораларини маълум муддатларда амалга ошириш имкониятлари кечикмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати берган маълумотига кўра, жорий йилнинг 17-20 март кунлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Эрондан илқ ва нам ҳаво, сўнгра Волга бўйи ҳудудларидан совуқ ҳаво массаси кириб келиши кутилмоқда. Унга кўра, 17-18 март кунларида республика ҳудудининг катта қисмида вақти-вақти билан ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлиши мумкин. 18 мартда баъзи жойларда ёмғир қисқа муддатта қорға айланиши, ҳарорат -10 даражагача тушиб, кучли ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда.

Баҳор ойлари серёгин, ҳаво ҳарорати паст бўлганида ғаллазорларда замбуруғли касалликлар, зараркунанда ва бегона ўтлар кенг тарқалиши кўп йиллик тажрибаларда кузатишган. Ғаллазорларга жуда катта зарар келтирувчи ва кенг майдонларда тез тарқалувчи сарик занг замбуруғли касаллик ООСда ўсишни бошлайди. Ҳаво ҳарорати 8-130 С бўлганда ўсимликнинг тўқималари ичига киради. Янги споралар 12-150С ҳароратда пайдо бўлиб, шамол ёрдамида тез тарқалади ва касаллик кучли ривожланганда ғалла ҳосилининг 50-60 фоиз камайишига олиб келади. Ёғингарчилик кўп кузатишган даврда ғаллазорларда узоқ йиллардан буён сақланиб келаётган бегона ўтларнинг уруғлари униб чиқиши ҳамда бегона ўтларнинг турлари кенг тарқалиши кузатилади. Ғаллазорларга энг катта зарар келтирувчи бир йиллик бир паллали бошоқли бегона ўтлар – ёввойи сули, райгрес, тулки дум каби бегона ўтлар кўп зарар келтиради.

Республикамызда экилаётган кузги бугдой навларини барчаси совуққа чидамли бўлиб, Краснодар ўлкасидан келтирилиб, экилаётган навлар ҳам бизнинг шароитимизда барча синовлардан ўтказилиб, экишга рухсат этилган. Экилаётган бошоқли дон экинларининг 60 фоиз майдонида Краснодар селекциясига мансуб ҳамда 40 фоизда иссиққа ва совуққа чидамли маҳаллий кузги бугдой навлари парваришланмоқда.

Краснодар селекциясига мансуб акса-

рият навлари ўсимликнинг тулпаш фазасида -17-200 С гача совуққа чидамли навлар ҳисобланади. Ушбу навлар найчалаш фазасига 10-15 фоиз ўтганда совуққа чидамлилиги бироз пасайиб, -8-100 С гача совуққа чидамлилики намоён қилади ва қисқа муддатли совуқдан зарарланиши кузатилмайдди. Аммо ушбу ғалла майдонларида касаллик, зараркунанда ҳашаротлар ҳамда бегона ўтлар кўп тарқалиши мумкин.

Республикамызининг жанубий минтақасида эртаки ғалла навлари ҳозирда тула найчалаш фазасида ривожланамоқда ва -7-100 С да фақат 40% поянинг қисман зарарланиши кузатилиши мумкин, лекин 4-5 тадан ҳосил бўлган ён поялар зарарланмайдди. Қорақолпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида ва чўл ҳудудларида ҳароратнинг -2-60С ҳамда Қорақолпоғистон Республикасининг шимолий минтақаларида 19-20 март кунлари қутилаётган ҳароратнинг -7-100 С гача совиши эрта экинган, ўсимлик бўйи 15-20 см бўлган майдонлардаги ўсимлик бош поялари совуқдан қисман зарарланиши мумкин, лекин 4-5 тадан ҳосил бўлган ён поялар (тулпар) зарарланмайдди.

Фаргона водийси ва бошқа минтақаларда 19-20 мартда қутилаётган об-ҳаво ғалла ниҳолларига салбий таъсир этмайдди. Чунки экинган кузги ғалла навлари -50 С совуққа чидамлидир.

Ҳўш, об-ҳаво серёгин ҳамда ҳаво ҳарорати пасайганида нималарга эътибор қаратишимиз лозим? Аввало, сизот сувлари чуқур жойлашган, тошлоқ, қумоқ майдонларда ғаллани навбатдаги азотли ўғитлар билан ёмғир ёғаётган бўлишига қарамасдан қўл кучида озиклантириб, суғоришнинг шарбат усулида амалга оширилиши билан ғалла майдонида микроклим ҳосил қилинади. Бу эса ўз навбатида ниҳолларнинг қисқа муддатли совуққа чидамлилигини оширади. Ғаллани барг орқали озиклантириш ўсув даври давомида 3-4 марта амалга ошириш ўзининг ижобий натижаларини бериши тажрибаларда ўз исботини топган. Барг орқали озиклан-

тиришда гумин кислоталарга бой бўлган, макро ва микро элементларни ўзда мўжасамлаштирган биоўғитлар билан озиклантириш тавсия этилади. Замбуруғли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда касаллик кузатиладиган майдонларда қарши кураш чораларини олиб бориш учун Давлат кимё комиссияси томонидан рухсат этилган Цериакс плюс 14,4% к.э. 1,0 л/га, Tetul Pro 40% э.м.к. 0,25 л/га, Альто Супер 33% э.м.к. 0,3 л/га, Azote 320 SC 0,75-1,0 л/га, R-ULTRA Super 33% к.э. 0,3 л/га, Титул Дуо к.э.к. 0,2 л/га, Топ-Кроп 40% к.э.к. 0,25-0,3 л/га, Титул Микс 40% к.э.к. 0,2 л/га, Диканазол 40% к.э. 0,2 л/га препаратлари билан 200-300 литр ишчи эритма ҳисобида ишлов бериш тавсия этилади. Еввойи сули, райгрес, тулки дум каби бегона ўтларга қарши ҳарорат 17-20 С0 бўлганида АГРО-ПИК 8% э.м.к. 0,3-0,4 л/га, ЭНТОПИК СУПЕР к.э. 0,15 л/га, OXIAL PRO 10% EC 1,0 л/га, PROPIC 24% EC 0,15 л/га каби препаратлар билан 200-300 литр ишчи эритма ҳисобида ишлов бериш керак.

Ғаллазорларда энг кўп тарқаладиган бир ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши эса ҳарорат 17-200 С бўлганида АЗАН-СТАР 75 в.д.г. 20 гр/га ФИНИТО 750 в.д.г. 20 гр/га, EUROSTAR 75% в.д.г. 20 гр/га, Зарстар в.д.г. 20 гр/га, Тристар в.д.г. 20 гр/га, Энтостар в.д.г. 20 гр/га, VINSTAR PLUS 75% в.р.г. 30 гр/га, Энтостар плюс в.д.г. 30 гр/га, Зарстар плюс в.д.г. 30 гр/га, PROSTAR 75% в.д.г. 30 гр/га препаратлари билан 200-300 литр ишчи эритма ҳисобида ишлов бериш тавсия этилади.

Мазкур агротехник тадбирларнинг республикамызининг ҳар бир минтақаси тулпар-иқлим шароити ва ғалланинг ривожланиш фазаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши бугунги кузатилаётган иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирини бартараф этиш ва ғалладан юқори, сифатли ҳосил етиштиришга замин яратаяди.

Р.И.СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинларилмий-тадқиқот институтидиректори, қ.х.ф.д. Р.ҒА академик.

Кутловлар

ЧИРЧИҚ-ОҲАНГАРОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

яқинлашиб келаётган улуг айём ила барча
юртдошларимизни, республикамызининг турли
ҳудудларида самарали фаолият олиб бораётган
иригация тизими ходимларини, деҳқону богбонлар,
пахтакору ғаллакорларни самимий табриклайди.
Турмушимиз фаровонлиги йўлидаги улкан
режаларимиз, эзгу орзу-истакларимиз рўёбини кўриш
барчамизга насиб этаверсин!

ОҲАНГАРОН



Қорақолпоғистон Республикасида кўп
йиллардан буён иригация ва мелиорация
тадбирларини муваффақиятли амалга
ошириб келаётган

“КЕҒАЙЛИМАХСУССУВПУДРАТ”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни уйғониш
фаслининг қутлуғ айёми –

НАВРЎЗИ ОЛАМ

муносабати билан муборакбод этади.
Бободоҳқонларимизнинг эзгу ният
ила ерга қадаган уруғлари баракали,
жорий деҳқончилик йилида ҳам бунёд
этажак ҳосил хирмонлари янада юксак,
ютуқлари салмоқли бўлишини тилайди.

Инсон қадри улуғланган
юртимизда эзгу орзуларимиз
ижобати, бошлаган хайрли
ишларимиз рўёби ва роҳатини
кўриш бахти барчамизга
насиб қилаверсин!



Оролбўйи ерларини захдан халос этиб, деҳқонларининг
олқишу миннатдорлигига сазавор бўлиб келаётган

“ХҲЖАЙПИМАХСУССУВПУДРАТ”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртимизга олам-олам қувончу шодликлар
билан кириб келаётган

Наврўз байрами

билан барча-барчани муборакбод этади.

Яшаиш ва янгиланиш айёми кўнгиллarga илиқлик,
хонадонларга қут-барака, оилаларга тинчлик-тотувлик олиб
кираётган айна фараҳбахш лаҳзаларда барчага мустаҳкам
соғлиқ, ишларига барака тилайди.



Хонадонларингиздан файзу барака,
дастурхонларингиздан тўқин-сочинлик
аримасин, илоҳим, дунёмиз тинч,
юртимиз осмони ҳамиша тиниқ бўлсин!

Юртим, ҳар кунинг Наврўз бўлсин!

Азиз Ватандошлар!

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Сизларни Наврўз умумхалқ байрами билан чин қалбдан қутлайди. Юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи кезиб юрган айни лаҳзаларда барчангизга бахт-саодат, эл-юрт манфаати йўлидаги эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди. Жорий йил Янги Ўзбекистонимиз, ҳар бир юртдошимиз ҳаётида омад ва қувончларга, муваффақиятларга бой йил бўлсин! Деҳқонларимизнинг ҳосили мўл, дастурхонларимиз тўкин-сочин, ризқимиз ҳамиша бутун бўлсин!



"ТОШКЕНТ СУВ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ"

Яратиш, яинатиш ва бунёдкорлик йўлида, ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётган юртдошларимизни

Наврўз айёми

билан табриклаб, доимо ишлари барорли, дастурхонлари тўкин-сочин, хонадонлари файзли бўлишини тилайди.

Байрамона руҳ ҳар биримизни янгидан-янги ғоялар, меҳнат зафарлари сари чорласин! Мафтункор баҳор кайфияти йил давомида ҳамроҳингиз бўлсин!



МАХАМ-ЧИРЧИҚ
акциядорлик жамияти жамоаси

Шаҳару қишлоқларимиз, хонадонларимизга орасталик, қалбларга сурур бағишлаб кириб келаётган Наврўзи олам муборак!

Она Ватанимизнинг юксак тараққиётига муносиб ҳисса қўиши истагида бўлган юртдошларимиз қалбида янгиликка интилувчанлик, заирату шижоат янада эҳшурмоқда. Барчамизни руҳан уйғоқликка, шижоату меҳнатсеварликка чорлаётган баҳор нашидаси йил бўйи қалбларимизни тарқатмасин. Жонажон диёримизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикка, фаровон ҳаётимизга ҳеч қачон кўз тегмасин.



"БЎКА МАХСУССУВПУДРАТ"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни, сув хўжалиги тизимида самарали фаолият юритаётган ҳамкасбларини янгилашни айёми –

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан чин дилдан муборакбод этади. Кўҳна ва ҳамиша навқирон ушбу байрам она табиат гузалигини тараннум этувчи, нафосат ва эзгулик айёми ҳамдир. Наврўз дала-дашларда, қир-яйловларда, бозу бўстонларда қизгин меҳнат мавсумини бошлаб беради. Бободехқонларимиз юксак ҳосил-хирмонларини бунёд этишга астойдил киришиб кетадилар.

Ана шундай эзгу мақсадларни рўйбга чиқаришга камарбаста бўлаётган жамоа ўтган йили 13 миллиард сўмлик ҳаётбахш лойҳаларни амалга оширишга эришганди. Жумладан, Бекобод туманидаги "К-2" ҳамда Пискент туманидаги "Гижон" коллектор тизимларида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Вилоятнинг маъмурий маркази Нурафшон шаҳрида бунёд этилаётган "Смарт сити"да ёпиқ, ётиқ, горизонтал дренаж қурилди. Шунингдек, Ўрта чирчиқ тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи "Қорасув" дарёсининг 1,6 километри реконструкция қилиниб, Бўка туманида 2 та насос станцияси фойдаланишга топширилди. МЧЖ жамоаси жорий йилда ҳам бундай хайрли ишларни изчил давом эттириш ниятида шу кунларда 15 миллиард сўмлик лойиҳалар бўйича ўтказилиши режалаштирилаётган тендер савдоларида қатнашишга тайёргарлик кўрмоқда. Улар фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор барчани улуг Наврўз айёми билан қизгин муборакбод этади.

БўКА ТУМАНИГА ХУШ КЕЛГИЗ!

Байрам муборак, азиз юртдошлар!


QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекс таркибидagi ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-347. 2026 нускада чоп этилди.

Газета "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.30